

ISSN: 2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL OF INTEGRATED EDUCATION AND RESEARCH

**INTEGRATSİYALASHGAN
TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI**

**ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ**

THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH

ISSN 2181-3558
VOLUME 2, ISSUE 10
COLLECTION B
OCTOBER 2023



Tahririyat a'zolari
Editorial board

Berdialiev A. f.f.d., prof.
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Madumarov T.T. yur.f.d., prof.
Mirzayeva S.R. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Mahmudov N.M. fil.f.d., prof
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
*Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d.,
dotsent*

Achilov N.K. fil.f.d., dotsent
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent,
TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent
Dexqonova M.Sh. f.f.d.
Hasanov A.M. fil.f.d.

Mas'ul kotib: M.Yusupov

КАНАКУНЖУТ (OLEUM RICINI) ЎСИМЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гафарова Саида Мухамеджановна
БухДУ Ботаника ва ўсимликлар
физиологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Халилова Феруза Маматқуловна
БухДУ Зоология ва умумий биология
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. мақолада канакунжут ўсимлигининг морфологияси, хусусиятлари, кимёвий таркиби, канакунжут мойи унинг дориворлик хусусияти, табобатда ва тиббиётда ишлатилиши хақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: канакунжут, oleum ricini, рицин, кислота, рицинол, алколоид, морфология, стеарин, олеин, линолин, деоксистерин, глицерин.

Аннотация. в статье представлена информация о морфологии, свойствах, химическом составе растения клещевина, использование его масла в медицине, в народной медицине в лечебных целях.

Ключевые слова: клещевина, олеум рициниевый, рицин, кислота, рицинол, алколоид, морфология, стеарин, олеин, линолин, дезоксистерин, глицерин.

Annotation. the article provides information about the morphology, properties, chemical composition of the castor plant, whether kanakunjut oil is used in medicine, medicinal purposes.

Keywords: castor plant, ricinum oleum, ricin, acid, risinol, alkaloid, morphology, stearin, olein, linolin, deoxysterin, glycerin.

Канакунжут ўсимлиги қадим замонлардан бери етиштирилган, уруғлари Миср фиръавнлари қабрларидан топилган. Бу ажабланарли эмас, чунки Канакунжут ўсимлиги узоқ вақтлардан ёғини олиш учун етиштирилган.

Доривор бу ўсимликнинг узунлиги 2–3 м, ўйик баргларининг диаметри эса ярим метрни ташкил қиласди. Ўсимликнинг навларидан келиб чиқиб баргларининг ранги яшил, қизғиш-қўнғир, бинафша ранг бўлиши мумкин. Барглари узун бандда жойлашган бўлиб, ўсимликка катта елпифичсимон пальма шаклини беради. Уруғлари ва меваси хам алоҳида чиройга эгадир. Канакунжут ўсимлиги бир уйлидир, эркаклик гуллари алоҳида тутам шаклида бўлиб, уруғланиш ниҳоясига етгач сўлиб қолади. Ургочи гуллари эса думалоқ, тиканли мевани хосил қиласди, уларнинг ичида бир нечта уруғлар жойлашган. Ўсимликнинг кўсаги оч рангда, уруғлари хам нақшинкор, чипорлиги билан ажralиб туради. Канакунжутнинг ватани – Африка. Илиқ тропик ва субтропик иклим минтақали худудларда бу ўсимликнинг бўйи 10 метргача етади. Шимолий худудларда уни бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

Канакунжут ўсимлигининг уруғлари ташқи томондан қалин уруғ пўсти билан қопланган, шунинг учун униб чиқиши бир оз вақт талаб қиласди, уруғининг униб чиқишини тезлаштириш учун скарификация усулидан фойдаланилади. Бу усул, уруғ қобигини сунъий бузишга асосланган, бунинг учун оддий қирғич қофоз ёки этов билан уруғ қобиги бир оз қирилади, юпқаланади, уруғнинг униб чиқиши муддати узоғи билан 3 ҳафтани ташкил қиласди. Хона ўсимлиги сифатида тувақда ўстириш жуда мушқул, унинг илдизи тарвақайлаб, кенг ўсиши керак, хона шароитида ўсимликнинг ўшиш тезлиги бир оз пасаяди, табиий шароитда эса унинг бир ойлик новдаларини барги кафтдек келади.

Канакунжут ўсимлиги заҳарли ўсимликлар сарасига киради, уни ўстириш жараёнида уруғларини истеъмол қилинмаса, новда ва баргларига ишлов бергач қўлни ювса ҳеч қанақа хавф йўқ. Ўсимликнинг заҳарли ўсимликлар қаторига киритилиша сабаб унинг таркибидаги рицин алколоидидир. Рицин ўсимликнинг уруғи таркибида кўпроқ бўлади. Уруғларини бевосита истеъмол қилиш кучли заҳарланиш, ҳатто ўлимга хам олиб келиши мумкин. Табобатда ва замонавий тиббиётда термик ишлов бериш натижасида рицин моддаси парланиб келади. Ўсимликнинг дориворлик хусусиятлари хақида гапирадиган бўлсак, қадимдан уни ич юмшатувчи восита сифатида қўллашган. Шунингдек, унинг мойи соч илдизини мустаҳкамловчи, толасини юмшатувчи, ҳамда оёқ кийимларини мойловчи восита сифатида ишлатилади.

Канакунжут уруғи 40-56% қуримайдиган ёғ кислоталари ва асосан 80-85% тўйинмаган рицинол кислотаси глициридидан ташкил топган. Канакунжут мойи таркибида стеарин, олеин, линолин, деоксистерин кислоталари ва глицерин бўлади. Уруғи таркиби оксиллар (14-17%), алколоидлар (0,1-1,0 %), азотсиз моддалар (10-12%), клечатка (18-19%) ва оқсил хусусиятига эга бўлган рицин бор.

Ўсимликнинг мойи дориворлик хусусиятига эга. У терини юмшатиш учун, гинекология ва жарроҳлик амалиётида ҳамда суртма ва бальзамлар таркибига кўшилиб, куйганни, яраларни, лейшманиозни даволашда ишлатилади, мойидан олинган ундецилен кислотасининг суртмаси (“ундецин”) дерматозлар, псориаз ва бошқа тери касалликларида қўлланилади.

Канакунжут ёғидан ўз ўрнида фойдаланилса яна бир қатор хасталикларга шифо бўлади. Сўгалларни кетказиши учун кечқурун ётишдан олдин 20 дақиқа давомида канакунжут ёғи сўгалга суртилади.

Янги туғилган гўдакнинг киндиги тезда тузалмаётган бўлса, унда канакунжут ёғи суртиб турмоқ лозим. Канакунжут ёғи ҳафтасига бир марта киприкларга суртилса, киприклар тез ўсади. Аёлларнинг кўкрак безига канакунжут ёғи суртилса, сут ажралиши кўпаяди. Ёш болаларнинг сочи секин ўсаётган бўлса, унинг бошига канакунжут ёғи сингдириб суртилади. Одатда бундай муолажа ҳафтасига икки марта кўлланилиб, кечқурун суртилган ёғ эрталаб ювиб ташланади. Сочнинг ўсиши жадаллашгач, бундай

тадбир ҳафтасига бир марта кўлланиши мумкин. Бавосил қийнаётган бўлса, тўғри ичакнинг ташқи қисмига канакунжут ёғи суртилади. У шиллиқ қаватни юмшатиб, даволанишга ёрдам беради. Тик туриб меҳнат қилиш натижасида оёқлар зирқираб оғрийдиган бўлса, ҳафтасига икки маротаба уйқудан олдин оёққа канакунжут ёғи ишқаб суртилгач, устидан пахта матоли пайпоқ кийиб ётилади. Бундай муолажа қўллангач, оёқ териси майин тортиб нохуш оғриқлардан халос бўлиши мумкин. Шамоллаганда ёки бронхит билан оғриганда 1 ошқошиқ скипидар ва 2 ошқошиқ канакунжут ёғи аралаштирилиб, кўкракка енгил суртилгач, иссиқ мато билан ўралса тузалиш тезлашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нажмиддинов Ж. Н., Эсанов Х. К., Гафарова С. М. Интродукция облепихи в климатических условиях Бухарской области //Ученый XXI века. – 2015. – №. 7-8 (8-9). – С. 10-12.
2. Гафарова С. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
3. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. Медоносные растения Узбекистана //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.
4. Дударь А. К. Ядовитые и вредные растения лугов, сенокосов, пастбищ. — Москва: Россельхозиздат, 1971. — С. 26. — 96

MUNDARIJA

*B: Falsafa. Filologiya. Pedagogika. Psixologiya. Metodika. San'atshunoslik.
Sotsiologiya. Islomshunoslik. Iqtisod. Yuridik fanlari*

Umarov Z.A., Axmedov Sh.F. Xalqaro to'lov tizimlari, hisob-kitoblarni o'tkazishning o'ziga xos jixatlari	2
Abdullayeva D., Saydazimov J.K. Rabin-Karp algorithm in algorithms.....	13
Тораходжаева И.Д. Ўзбекистон республикасининг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишидан кутилаётган натижалар	18
Isroilov B.Q. Tijorat banklarida auditorlik dalillari va ularni olish uslibiyotini takomillashtirish.....	23
Asadova S.A. Adolat ijtimoiy-falsafiy kategoriya sifatida	30
Anarova Sh.A., Shokirov D.A. Murakkab kesimli i-sterjenlarning afzalliklari va kamchiliklari	33
Рўзиев Ж. Инновацион тафаккур эволюциясининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари	36
Jo'rayev F.D. A model approach to long-term forecasting of electricity supply	41
G'aniyev S.Sh., M.F.Xo'jaxonova, Sh.I.Xo'jaxonov Veterinariya sanitariya ekspertizasi laboratoriyalarda bozor hududidagi asal sifatini undagi suv miqdori bo'yicha baholash	46
Amonova Z.U., Nematova T.A. Amaliy bezak san'ati orqali ot – kutyur yaratish va estitik dunyoqarashni shakillantirish	49
Xamidova G.X., Rajabova D. Dasturlardan foydalanishning ahamiyati va zarurati	52
Aripova Sh.Dj. Veterinariya va chorvachilik tizimidagi hamkorlikni rivojlantirishda tarjimonlik sohasining o'rni	59
Хикматова Д.П. Развитие речевой культуры студента в современном образовательном пространстве.....	62
Teshayeva E.R. Kompyuter dasturiy vositalar orqali maktabgacha yoshdagи bolalarni bilish komptensiylarini shakllantirish metodikasini takomillashtirish	66
Жабборов Б.И., Шамсиева Н.Ш. Очиқ уруғлиларнинг табобатдаги аҳамияти	70
Гафарова С.М., Халирова Ф.М. Канакунжут (oleum ricini) ўсимлигининг ўзига хос хусусиятлари	73
Yadgarova O.I., Salimova S.X. Insonning ruhiy holatini o'rganishda proyektiv metodlarning ahamiyati.....	76
Султонов П.С., Зоиров Л.О. "Геология фанлари тарихи" курсининг моҳияти ва уни ўқитиш зарурияти	80